

Малай архипелаги ва Маллакка ярим оролидаги қадимги давлат бирлашмалари. Бу территорияда дастлабки давлатлар эрамиз чегарасида вужудга келган. Махаллий деҳқончилик қабилалари шоликорлик, бронза қуйиш, темир эритиш билан машғул бўлганлар. Аждодлар ва турли рухларга сизинилган. Малайлар ва австронезия тил оиласига қирувчи халқлар қадимдан мохир денгизчилар бўлишган.

Маллакка бўғизи ва қадимги Кусантара (Ўзок ороллар) сувлари орқали жаҳон савдо йўли ўтган. Тропик муссонлар доимий ҳаракат (сузиш)га ёрдам берган. Бу район яқин, ўзок шарқ, Хиндистон ва Хитой савдо ва маданий алоқалари занжирининг муҳим халқаси эди.

Катта Зонд ороллари дарёлари водийлари ва Шимолий Малайда вужудга келган синфий жамиятлар территориясида Хинд, антик, Хитой манбаларида хабар берилган.

Хиндистоннинг ёзуви, адабиёти, мифологияси, буддизм ва индуизм нормаларининг... қабул қилиниши давлатчилик ривожига ижобий таъсир кўрсатган. Қадимда ва ўрта аср бошларида (I-IV асрлар) /арбий Индонезия ва «Олтие ярим орол» (грек авторлари Малайяни шундай атаганлар) территорияларида ўнлаб шаҳар давлатлар бўлган. Улар хусусий ва транзит савдо, шоликорлик, тоғлик васаллар ҳисобга яшаганлар. Энг қадимги давлатлар таркибига Лангкасука, Тамбралинга, Таккола қабилар қирган. Улар ўз географик ҳолатидан фойдаланиб, баъзан иттифокларга бирлашиб халқаро саво коммуникацияларини назорат қилганлар.

III-V асрларда уларнинг кўпчилиги вассал князлик сифатида Бапном кхмер империяси таркибига қирганлар, у парчалангандан сўнг Хитой билан фаол дипломатик ва савдо алоқаларини ўрнатганлар. Улар орасида энг йириги ва қучлиси Лангкасука асосий дин буддизм.

Индонезия территориясидаги қадимги миллат цивилизацияси муҳим районлари Шаркий ва Жанубий Суматра, айникса Джамби ва Палембанга порт ва дарё водийлари эди. Бу ерда III аср бошларида ГЭИН давлати, VI асрда Малайю давлати бўлган. Улар Хиндистон, Эрон, Хитой билан саво қилганлар.

Ўрта аср бошларида /арбий Индонезия (V-VII асрлар).

Ява оролида иктисодий ва сиёсий вазият қатор давлатларни вужудга келтирган. /арбий Явада Тарума давлати. Монарх-деспот олий ҳукмронлиги Тарума территориясидан топилган V асрга доир санскрит ёзувларида раджа Турнаварман кўкларга кўтарилган. У кўшни князликларни бўйсундирган, унинг буйруғига бинаон кўп километрли сугориш канали қазилган. У ҳаёт химоячиси-асровчи худо вишнуга тенглаштирилган.

V-VII асрлардаги Хитой йилномаларига кўра Явада 30 га яқин давлат бирлашмалари бўлган. Кўшнилари билан урушлар жараёнида улар йириклаша борган. Унга Ява халқи консалидацияси ҳамда буддизм ва индуизмнинг тарқалуви ёрдам берган.

VII асрнинг 40-70 йилларида Калинга подшолиги қенгайган.

Суматра, Калимантан ички территориялари ва Шаркий Индонезияда у вақтда ибтидоий жамоа тузуми ҳукм сурган. (Хозир ҳам папуаслар).

VII-X асрларда Шривиджая давлати

Бапном денгиз империяси парчалангач VI-VII асрларда Шаркий Суматрада таъсирчан давлат бирлашмалари шакллана бошлади. Малакка бўғизи зонасида бир неча территория мустакилликка эришди.

Бу вақтда Жанубий денгизлар оркали бўладиган халқаро савдо сезиларли даражада ўсди. Хиндлар, форслар, арабларни ўзига жалб этадиган товарлар: кумуш, олтиш, рангли тошлар, марварид, кимматбаҳо ёғоч, зираворлар, дориворлар, тропик ўрмон маҳсулотлари...

Малай портларининг ахамияти ошди. Шарк савдосидаги деярли барча товарлар шу ердан ўтган. (Перевалочнўй пункт). Транзит садодан катта фойда олинган. Савдо ва харбий флот имкониятлари оширилган. Индонезия давлатлари Хинд ва Тиня океанни бирлаштирувчи муҳи пунктларни назорат қилганлар.

Шу шароитда Шаркий Суматрадаги князлик Шривиджая кучайган. Қадимги малай тилидаги ёзувларга караганда 682-685 йилларда Джаянаш хукмронли даврида бу давлат Малайю ва бошқа кўшнлар ҳисобига кенгайган.

Илк Шривиджайя монархлари (хаджи) асосий максоди Малакка ва Зонд бўғизларини назорат қилиб, савдо монополиясини ўрнатиш эди. VII-VIII асрларда бу давлат Хитой билан доимий дипломатик ва саво алоқаларида бўлиб турган. Шайлендр сулоласи даврида хукмдорлар ўзларини махаража деб атаётганлар. Кўпгина маҳаллий хукмдорлар (дату) буйсундирилган.

Ченли кхмер ерлари, тьям мулклари ва Хитойга тобе Шимолий Вьетнам территорияси Шривиджайя харбий экспанцияси объектига айланган. VIII-IX асрларда у ЮВА ва Узок Шаркдаги кучли денгиз империясига айланган.

Бу давлат антик талассократиялар каби воситачилик, бож, ўлпон ва талончилик ҳисобига яшаган.

IX-X асрлардаги араб географлари «Сабоҳ давлати»нинг иқтисодий ва сиёсий гуллаб-яшнаганлиги тўғрисида ёзганлар. 943 йили Маъсуди «махарожалар империяси» армияси, бойликларидан хайратланган.

Давлат идеологияси-буддизм, унинг «кенг йўл» маҳаяна оқими. Маҳаяна маъбудалари ва унинг мистик маросимларидан монархнинг илохий ҳокимияти гоёсини сингдириш максодида фойдаланилган.

Шаркий Хиндистон, Шри Ланка, Хитой билан қадимий алоқалар тўғрисида Шривиджая будда илмининг дунё марказига айланган. IX аср ўрталарида махаража Балапутра (Шайлендр сулоласи) Хиндистоннинг Наландр шарҳри будда университети яқинида манастир қурдирган.

VIII-IX аср бошларида □ Матарам давлати. ривиджайя тараккиёти ва заифлашуви

VIII аср бошларида Марказий Ява аграр район орасида энг бойи Матарам эди. Унинг ҳуқумдори (рату) Санжайя маҳаллий князлар (рака) орасидан етишиб чиққан. У индуизмнинг Шива култига ҳомийлик қилган. Санжайя Матарам сулоласини бошлаб

берган. У Ява, малай ва хатто кхмерлар территорияларини бўйсундирган. Бу давлат Шривиджайя билан ракобатлашган. Иккала давлат Зонд бўғзи шаркидаги ерларга (Кадимги Тарума ерлари) даъвогарлик килганлар. (Бу ҳақда Хитой буддисти И Цзин ёзиб қолдирган. У VII аср 70-90 йилларида Шривиджайяда бир неча йил яшаб, санскрит текстларини таржима қилиб, асарлар ёзган).

Яваликлар марказлашган давлат шаклланиши жараёни анча қийин кечган. (Вилоят рақалари орасидаги Рақаларнинг ҳар бири ўзаро урушлар) маҳарожа унвонини олишдан умидвор бўлганлар. Матарам хукмдорлари ўз сиёсий ниятларини йирик храм комплекслари (М: Барободур) қуриш билан мустаҳкамлаганлар. Бу қурилишлар жуда кўп маблағ ва иш қучини ютиб юборган.

Матарам Бали фолени эгаллашга ҳам ҳаракат қилган.

X аср ўрталарида подшо оиласи бошқарувида деспотизм элементлари қучайган, маъмурий-ҳудудий тизим мураккаблашган ва марказлашган. Оқруғларни олий чиновниклар, хукмдорнинг яқин қариндошлари бошқарган.

X аср охири XI аср бошларида қонунлар тўплами яратилган, Шривиджайяга қарши ҳарбий юришлар уюштирилган. Яваликлар Суматрага ўтиб, Палембангни мажаклаб, тўлаганлар ва бир неча йил империяга ҳавф солиб турганлар.

Бу шароитда Шривиджайя Жанубий Хиндистоннинг Чолов давлатидан кўмак сўраган. Ўз васалларига таянган Шривиджайя қарши ҳужумга ўтган. 1016 йили Матарам тўсатдан ҳужумга дучор бўлган, хукмдор ўлдмирилган, давлат қатор майдо мулкларга парчаланган. 20 йилдан ортиқ давом этган феодал тарқоқлик, ўзаро жанглар бошланган.

Феодал ер эгаллигининг узок давом этган эволюцияси Ява жамиятининг ҳарактерли белгисидир. VIII асрдан йирик феодаллар роли заифлашди, монарх ва ярим феодал элементлар қучайди. (чиновник ва рухонийлар ҳам).

У даврда асосий ер совға қилувчилар (берувчилар дартигель) йирик дунёвий феодаллар: рақалар, рақарянлар. Асосий олувчилар:-ҳрамлар. Ер бериш бўйича монарх ва унинг қариндошлари иккинчи ўринда турган. Йирик ер эгалари бир вақтнинг ўзида ер ва иммунитет инъом этганлар.

IX асрдан асосий ер берувчилар монархлар. Солик тўламайдиганлар (одатда храмлар) ерни дехқонларсиз олганлар, имтиёз ҳам берилган.

Имтиёз олмаганлар ер участкаларини дехқонлар билан бирга ёки иммунитетлар олганлар.

X асрда Матарамда ҳунармадчилик ҳам ривожланган. Экспорт моллари: х/б материаллар, совуқ қурол (машҳур ханжар-қрис), ёғоч ва гаровдан ишланган буюмлар... Молукка оролларида зираворлар қелтирилган.

Матарам устидан галаба қозонғач Шривиджайя ўз тараккиётининг чўққисига қикқан. Суматра-Малай империяси Нусантра денгизларида тўла хукмронлик қилган. Унинг будизмнинг жаҳон маркази сифатига обрўси ҳам ошган.

1011-1023 йилларда Атиша ўқиган.

Лекин XI аср бошларида Шривиджайя ва Чолов империя манфаатлари денгизларда тўқнашиб қолган. Сулолавий ва диний алоқалар рақобат билан алмашган. 1025 йили Ражендра Чола йирик флот билан ҳужум қилган. Шривиджайя савдо ва денгиз қудратига тузатиб бўлмас зарар етқазилган.

Индонезия маданияти

Жанубий-Шаркий Осиё халклари маънавий тараккиётга индонезия синфий жамияти илк ўрта асрларда ўзининг қайтарилмас тажрибасини кўшган. Қадимги Яван ва малай адабий ёзувлари ва тиллари шаклланган. У аввал расмий ва дин тили бўлган саскритнинг ўзига хос элементларини қайта ишлаш жараёнида юз берган. Махаллий тил ва ёзув системаси кенг тарқалган.

IX-X асрларда Матарамда адабиёт гуллаб-яшнаган. Кави (қадимги яван тили) тилида эпик, мифологик, культ, фалсафий асарлар ёзилган. (сюжетлари қадимги хинд ва автохтон).поэма-какавинлар (қадимги яван «Рамаяна»си), нарвлар («Махабхорат»нинг прозалик қайта ишл), тутурлар (диний-мифологик адабиёт ва насихатлар) будда трактатлари таржималари машхур ва маълум. Матарам махарожалари саройида шоирлар, актёрлар, музикантлар яшаган.

Ижоднинг турли жанрларини ўзида жамлаган машхур кўгирчок-соя театри (ваянг) тамошалари кўрсатилган.

Классик архитектура ва тасвирий санъат шаклланган (VIII-X асрлар). ЮВАдаги энг йирик буддизм ва индуизм ансамбллари (Борободур ва Лоро Жанггаранг). Материал-культ меъморчилигининг индонезия типи – чанди.

Ява ва малай усталари бронза скульптура куйиш техникаси, орнаментли ўймакорлик (тош, металл, ёғочга) сирларини олий даражада билардилар...

3. Мадрахимов.